

43  
2  
Р31

# Шароф Рашидов


## Эрк истар күнгил





Шароф Рашидов


Эрк истар кўнгил



Тошкент

Гафур Ўлом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси  
1992

АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ЕЗУВЧИ  
ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ  
75 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



УФ  
2  
Р31

# Шароф Рашидов

## Эрк истар күнгил



Қисса, киносценарий,  
шеърлар

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмасы<sup>т</sup>  
1992

Ўз 2  
Р 31

Таҳрир ҳайъати:

Ҳафиз Абдусаматов, Ҳамид Ғулом, Барот Бойқобилов,  
Асил Рашидов, Умарали Норматов, Матёқуб Қўшжонов,  
Жамол Камол, Файбулла ас-Салом, Эркин Самандаров,  
Шароф Убайдуллаев, Рустам Шогуломов

P 4702620201—98      қўшимча план, 92  
M352(04)—92

© Файбулла ас-Салом  
(Сунгсуз), 1992 й.

ISBN 5-635-01257-4

# КАШМИР ҚҰШИГІ

ҚИССА



Ушбу қисса Кашмир халқининг қадимий севги достони асосида ёзилди. Бу достонга талантли шоир, композитор ва ўқитувчи Дина Натх Надим музика яратган.

Маълумкин, муаллифлар ўз севимли асарларига умр бўйни мурожаат этиб, қайта ишлаб, тулдириб турадилар. "Кашмир қўшиғи"-нинг бу янги нашри ҳам шундай асарлар жумласидан

*Автор*

## МУҚАДДИМА

Күп яшаган, күпни күрган, иссиқ-совуқ бошидан күп үтган зукко муаллим чақноқ күзлари ўткир, полапон идроклари юксак парвозларга шай талабаларга савол ташлабди:

— Дарёлар қаерда туғилади?  
— Самовий тоғларда,— деб жавоб берибди бири.  
— Ер қаъридан булоқ бўлиб чиқади,— жавоб қилибди иккинчиси.

— Денгиз ва океанларда,— дебди учинчиси.

Яна бирор гап қушишларини кутиб бир оз мусоада қилган муаллим уларнинг сукутни бузмаётганларини кўриб, дебди:

— Ҳар бирингиз рост гапирдингиз, лекин сизлар ҳақиқатнинг қобигини кўрибсиз, мағзини чақмабсиз. Ҳақиқатнинг туб моҳияти ақл кўзи билан қараганларга узоқ изланишлар натижасида аён бўлади. Дарёларни тоғу тошларда бинога келади, деганлар, обиятнинг у ёқларга денгизу океанлардан ўтишини фаромуш қилади. Дарёларни денгизу океанларда ҳосил бўлади, деганлар, у ерларга сув тоғу тошлардан тушишини унуглан бўлади. Кимки туташ занжирнинг бир ҳалқасини пайпайлаб, бошию, учини топдим, деб гумон қилса — ўша кимса ё ғафлат бандаси, ё қаллобдир.

Сал ўйланиб қолиб муаллим яна сұрабди:

— Хўш, эл заковатининг ибтидоси нимада?  
— Тажрибада,— деб жавоб берибди бири.  
— Тафаккурда,— жавоб қилибди иккинчиси.  
— Тажриба ва тафаккурнинг муштараклигига,— дебди учинчиси.

Ва яна ўйга толиб муаллим дебди:

— Инсон тажрибаси инсон билан бирга оламдан ўтади, инсон тафаккури инсон билан бирга завол топади. Зеро, умр бебақодир. Заковатнинг ибтидоси — халқ дилида, эл хотирасидадир. У бир океандирки, тоғ ирмоқлари ва булоқларни бунёд этади, у бир океандирки, азим дарёлар жисмига сингтан тоғ жилғалари ва чашмаларни бағрига олади. Хотира — заковат тамали, унинг негизидир. Тарихнинг баланд-баланд довонлари оша, асрлар оша, замонлар оша уни истиқболга нима элтади, нима унга омил бўлади?

Бу — қоя ва матодаги суратлар.

Бу — тоштахтадаги ва китобдаги сатрлар.

Бу — эртаклар, ривоятлар, афсоналар.

Бу — назм ва наволар.

Эл хотирасининг дарё мисол қирғоқларини тобора кенг олиб авлоддан авлодга ўтишига боис шудир. Халқ заковатининг ёлқинли машъалсимон дилдан дилга, наслдан наслга кўчишига сабаб шудир.

Донига дон, сатрига сатр қўшиб, қўшиғига қўшиқ, куйига куй улаб, бу силсилани давом эттиromoқ инсон зотига фарздир!

## I

Уфқдан уфққа туташ поёнсиз водий бағридаги гүзал  
Гуллар боғи кўклам либосига ясанган.

Атрофдаги осмонўпар тоғлардан кумушдек товланиб, симобий кўпиклар сачратиб зилол сувлар шарқираб тушади ва ажид сой тубларида минг мақомда жилва қилиб далаю экинзорларга, чаманзору майсазорларга, қишу адирларга равона булади, гиёҳларга ва илк чечакларга ризқ улашади. Ораста гуллар қуёлли тонг шуълалари ва шабнамлари, обизамзамларини эмиб ноз билан анвои рангларини кўз-кўз қиласидилар, баҳор фаслининг дунё-дунё севинчларини на-мойиш этадилар. Бири биридан латофатли, бири биридан тароватли, бири биридан сербарг, бири биридан серғунча бу гуллар эркаланиб қуёшга ишва қиласидилар, қуёш ҳам улардан нурини аямайди. Жазирадан сўлинқираб қолганларида эса оппоқ парқу булутлар ўзларининг учар кўлкаларини уларга соябон қиласидилар.

Сонсиз-саноқсиз қушлар, хушхон булбуллар чарх уриб шоҳдан шоҳга ўтиб, гулларга термилиб кун бўйи, тун бўйи маст бўлиб сайрайдилар. Нималар ҳақида? Буни ҳеч замонда ҳеч бир зот сўз билан ифодалай олган эмас, лекин бу дилрабо куйларда гўзаллар мадҳ этилиши, гуллар ҳаёти ва муҳаббати улуғланиши ҳаммага аён, бунга тилнинг ҳожати йўқ. Бу турфа наволарнинг сўнгсиз уммони узра водий теграсида сукутга чўмиб қорли чўққилиари самога қадалган залворли тоғлар юксалиб туради. Гуллар боғидаги энг барвақт очилган гул — ҳусни жамолининг таърифи бутун оламга кетган гўзал Наргиздир. Бир кўришда унга мафтун бўлмаган, уни куйламаган, унинг васлини армон этмаган ким бор? Унинг дийдорини бир кўриш орзусида зор юрганлар озмунчами? Мана у

шоҳи кўйлаги устидан зангор баҳмал нимчасини кийиб, жамики гуллар кўркини жо этган бежирим оппоқ дуррачасини танғиб, қулоқларига шабнамнинг инжу қатраларидан исирғалар тақиб ёшлик ва гўзаллик нашидаларидан, орзу-умидларидан сархуш бўлиб товусдек товланиб турибди.

Бироқ унинг тимқора чарос кўзлари маъюс, қушлар ва сарин ел нағмаларига жўр бўлиб у куйлаётган қўшиқ ҳам ҳазин. Унинг қўшиғи субҳидам оғушида водий бўйлаб ёқимли тарагиб ажиб акс садо беради, гўё олис диёрга йўл ахтараётгандай бўлади. У кимнидир соғинади, кимнидир қўмсайди. Наргиз кўнгли бўлак бир кўнгилга пайванд, қалби бўлак бир қалбга муштоқ, интизорлик ўти тобора ловиллаб бағрини тилади, жисмини ўртайди.

Жоним, кетдинг йироққа,  
Мени қўйиб фироққа.  
Кела қолсанг-чи, ёшим  
Тенг қилмайин булоққа.

Баҳор гуллар очилар,  
Йўлга тушар йўлчилар.  
Нечун йўлга тушмайсан,  
Айрилиққа ким чидар...

Куни билан кутаман,  
Туни билан кутаман.  
Дилимнинг муштоқ булган  
Хуни билан кутаман.

Наргиз тоғ этагидаги сўлим гўшада баҳайбат харсангтошга суюниб, йирик-йирик хумор кўзларини юмиб, Бамбур ишқида ошифта бўлиб, ширали овозини барадла қўйиб, тобора авж билан куйламоқда. У сингил сабога монанд оҳиста тебраниб куйлади — ўз дил розини ҳам, ўз ҳасратларини ҳам, ўқсизлик изтиробларини ҳам шу зайл ифода этади. Шундай онларда назарида унинг ўй-фикрларининг ардоғи, ҳис-туйғуларининг соҳиби равшан кўриниш бергандай, ҳавас билан урилган ипак зулфларини силаб эркалагандай, ёқут дудоқларига лабларини қўйиб ширин-ширин бўса олгандай бўлиб кетади.

Наргиз қўшиғини эшитган гуллар ишқ-муҳаббат унинг вужуд-вужудини қамраб олганлигини, бутун ўй-хаёллари ёлғиз Бамбурга бағишланганлигини, уни топа олмай

сағардонлигини, ғам чекаётгандыгини, усиз ёруғ жақон қоронғилигини, усиз иқбол чашмаси татимаслигини тушунадилар. Шу боисдан ҳам у то абад, то ажал унинг күзларига қора пардасини тортмагунича күнни күнга, соатни соатга, лаҳзани лаҳзага улаб ёрини ахтаргани ахтарган, чорлагани чорлаган. Севиклиси нечоғлиқ йироқ бўлмасин, бу савдо нечоғлиқ қийин, йўл нечоғлиқ машиқатли бўлмасин, уни эртами, кечми топишига, у билан Гуллар боғида кўришишига, пок севгиси тақдирланишига унинг имони комил.

Бутун тириклик оламига аён — бундай садоқат ва эътиқод мавжуд экан, севги улғайиб, томир ёйиб құдратли кучга айланған беради, унга на асов дарёлар, на долғали денгизлар, на жингиртоб саҳролар, на пойини шиддатли оқимлар ялаган, чўққиларини эса булатлар қоплаган баланд-баланд тоғлар бакор кела олади. Бундай улуғ севгига муносиб кишилар барча хавф-хатарлардан омон ўтадилар, зафар билан манзилга етадилар!

Наргиз қалбидаги ишонч гулларни ҳайратга солади, бесором қушлар эса чуғурлаб уни сўроққа тутадилар:

— Наргиз, йўлинг олис, етоласанми?  
Ғовлар кўп, сен енгиб ўтоласанми?  
— Манзилга албатта етаман, дўстлар!  
Ғов бўлса енгаман, ўтаман, дўстлар!  
— Агар Бўрон турса, тусса йўлингни,  
Хорудлар ёпишса, узса қўлингни,  
Қумлар олов бўлиб куйдирса агар,  
Йўлларингни тўсса азим дарёлар,  
Ўйлаган ўйингдан қайтарми дилинг,  
Сўйла, афсусини айтарми тилинг?  
— Дўстлар, тўсолмайди Бўрон йўлимни  
Узиб ташлолмайди Хоруд қўлимни.  
Қумлар олов бўлиб куйдирганда ҳам,  
Дарёлар тошса ҳам, мен туриб бардам  
Ўйлаган ўйимдан қайтмайди дилим,  
Афсус қўшигини айтмайди тилим.

Наргиз қўшиғи, ўз ёрига вафоси булбулларга ва қушларга битмас-туганмас севинч бағишлайди. Жамики паррандалар, гуллар, шаббода, само қўйинидан, қорли чўққилардан заминнинг илиқ бағрига йўл солган жилгалар унга жўр бўладилар. Яна қалби қайноқ ёшлиқ орзуларига

гузат ҳаёт нашъу намоларига лиммо-лим тұлиқ бир қизнинг ҳам ҳамрор хониши әшитилади. Үнга ёлғизоёқ йүллари нилий уфқа пайваст узоқ-яқин қишлоқ қизларининг қувноқ яллалари уланиб кетади.

Сұнгра бу оромижон құшиқ авжига миниб, қуч олиб бутун водийни тутиб кетганда Наргиз үйинга тушади. У қишлоқ қизларининг жарангдор овозларидан мастана бұлиб, янгрөқ оқангларга бир зарбда оёқ ташлаб әхтирос билан хиром этади. Наргизнинг дилнавоз рақсини, виқорли құл ва бөш ҳаракатларини, гоҳ шұх, гоҳ мунгли ғамзаларини күрганлар унинг ақволини англайдилар. Құшлар ва шамолнинг, самовот ва обиқаёттинг, гул ва инсоннинг, құшиқ ва юракнинг — борлық мавжудоттинг жамики нарсаларга мангу вобасталиги мавжуддир. Наргизнинг орзармоналари дилбар таронани басталагани, дилбар тарона қызлар құшиғини ижод этгани, қизлар құшиғи Наргиз рақсини яратгани, Наргиз рақси эса ром этиб, сеҳрлаб, нафосатта ошно этиб гулларнинг новда ва бутоқларини юксакларга интилишга мажбур қылғанлигининг боиси ҳам шунда.

Ниҳоят иштиёқ билан узоқ үйнаган Наргиз гулзорда ётган катта тошга чиқиб үтириди-ю, яна хаёл денгизига гарқ бұлды.

У Бамбурни үйлар эди.

Наргиз уни қачон күрганини, тушидами-үнгидами, юзма-юз келиб қачон севиб қолганини билмасди. Шундай ҳоллар бұлади-ку, үңг билан тушнинг сарқади ипак толасидан ҳам, үргимчак риштасидан ҳам нозиклашиб кетади, масъуд дамларда — ухламаяпманми? — деб үз-үзингни пайпаслаб күргинг, мусибатли дамда эса — ох, шояд тезроқ үйфонсам,— деб юборгинг келади.

Иморатта үт кетганда үнга тутатқи бұлған учқунни эслаб үтиришга вақт үйқ.

Бироқ олов бир кунда ҳам, икки кунда ҳам, уч кунда ҳам үчавермаса, үчиши даргумон бўлса, унда боридан йўғи афзал кўриниб ҳар хаёлга бориш мумкин.

Ишқилиб бу савдо қачон, қаерда, қай тариқа бошланганини Наргиз эслай олмасди, элашни истамасди ҳам. Фақат у қошига келса, үзининг оламтоб фазлу камоли билан ёнида бўлса бас.

Кунлардан бир кун әрта тонг чоги саковатли қуёш илк шуълаларини сочиб нурафшон палагини тұшаганида, ана шу ёғдули поёндоздан Гуллар боғига зиёга чулғаниб

у тушиб келгани Наргизнинг эс-эс ёдида, холос. Тушиб келган эди-ю, унинг қаршисида тек қотиб қолган эди. Улар бир-бирларидан кўз узолмай қолган эдилар. Бу ҳол бир соат давом этганими, икки соатими, балким, минг йилими — номаълум. Ким кимнидир сеҳрлаб қўйган эди: ё Бамбур Наргизни, ё Наргиз Бамбурни. Гуллар боғидаги барра майсалар, хандон чечаклардан кўрк олган Наргиз кўзларининг тимқорасида фақат Бамбур қолган эди. Чаман гулбоғ ҳам, самовий тоғлар ҳам, бутун олам ҳам Бамбур кўзларидан ниҳон бўлгану, танҳо Наргиз қолган эди.

— Мен,— деган эди ниҳоят Бамбур ўзини ўнглаб,— асаларилар шоҳиман. Мен боғу роғларни, тоғу тошларни, дала-даштларни кўп кездим, лекин сеҳингдай парипайкарни кўрмадим. Излаб-излаб юриб сени оқибат топдим. Неча йиллар изладим! Бу диёрда сени ахтариб мен от солмаган бирор гулшан қолмади, мен сўраб-суриштиргмаган бирорта гул қолмади. Мен сени ойнаи жаҳонда курган эдим. Ўшандан бери висолингга ташнаман. Мен ташналигимни қондирадиган булоқни топдим. Ўша булоқ — сенсан, Наргиз. Энди мени рад этма, гўзал Наргиз, гуллар маликаси, ҳаётим нашидаси!..

У айтган бор гап шу. Ортиқ ҳеч нима демади, деся олмади ҳам...

Лескин айтибими?

Тоғу тошлардан унинг, Наргизнинг ҳузурига тушибими?

Ёки у ҳам Бамбурни ойнаи жаҳонда кўрибими?

Рўё билан чиннинг, ўнг билан тушнинг, тилсимот билан хилқатнинг сарҳади шоҳи риштасидан ҳам нозик. Идрокимиздан кўра кўзларимизнинг қамрови кенгроқ бўлса не ажаб, боғларни биз олма илинжида кўкартирасак не ажаб! Хуллас, ирмоқ дарёни топди, дарё денгизни топди, муҳаббат муҳаббатни топди. Қуёш тифаларидан тўқилган поёндоздан тушиб Бамбур Наргизнинг пойига аста тиз чўкди ва ошиқона нигоҳини тикиб қизнинг мафтун кўзларини кўрди. Кўзлари қамашгандай булиб, назарини тоғ ва водий манзараларига қўчирганда эса Наргиз хавотир ва ҳаяжон ичида шивирлади:

— Йўқ, йўқ, олма кўзингни, мен ҳам анчадан бўён сени кутардим. Бамбур, кўзларим йўлингда эди...

Туйғулари жўш уриб Бамбур жим қолганда эса у ёлворди:

— Йүқ, йүқ, гапиравер! Сен тинсанг, назаримда, ирмоқлар жилдирашдан тұхтагандай, мени жазира қовжи-ратаётгандай бұлади.

Киприкларида эса тонг шабнами сингари нұқра томчилар йилтилларди. Қиз ҳам бир күришда севиб қолган, севги қувончларига етишган, севги баҳтига мұяссар бұлған әди.

Шу-шу улар ҳар наҳор қүёшнинг ilk ёғдулари күм-күк теракларнинг уч-учини сийпалаб, Наргизлар ҳовлисига мұралаган чоғда шу бօғда, шу харсанғтош ёнида учрашадиган бұлдилар. Тонглар шомларни, шомлар тонгларни құвлаб, күнлар кетидан күнлар үтаверди. Заррин ва нафармөн нурларга күмилған бу дориламон маскан улар баҳтидан мұнаввар әди. Сұлим сойлари шовуллаб, мұаттар гуллари ханда қилиб, үзларига оро беріб, құлғ уриб стган бу оромгоҳда шодлик суури ҳукмрон, жумлаи жониворлар ҳам рүшнолик касб этған әдилар.

Бироқ олма йүқки, гир айланаси бир текисда қирмизи бўлса.

Бўстон йўқки, бир чеккаси тоғларга тақалмаган, бирор жоий жарлик билан тилинмаган бўлса.

Эзгулик йўқки, атрофида фалокат ўралашиб юргаган бўлса.

Оромгоҳ тўй тараддуудида әди. Бундан хабар топгандарнинг ҳаммаси үзларининг энг сара либосларини ҳозирлардилар.

Бироқ бу саодат ошенини зимдан кузатиб, ҳасад оловида қовурилиб юрган эзгулик душманлари чидаб туролмади, дарғазаб бўлиб Наргиз ва Бамбур баҳтиға, омонлик дисри баҳтига ғашлари келиб тўйни бузмоққа шайландилар, йўлларга айғоқчилар қўйдилар, бузғунлик ҳаракатига тушиб кетдилар. Улар ишни офтоб рўйини тусишиндан бошладилар. Осмону фалакни гала-гала қора булатлар билан қоплаб ташладилар. Ҳаммаёқни тун зулмати босди. Кундузлари қўёш шуъласи, кечалари юлдуз шарпаси водийга йўл топа олмай қолди.

Аммо Наргиз висолига ошиққан кўйи Бамбур адашмай стиб келаверди. Наргиз рухсори яшнаб йўлни чароғон қилиб турди, у ҳам йўлни бсхато топаверди. Ёвуз кучларнинг баттар қаҳри келиб, ботқоқларнинг рутубатини, қўланса ҳоврини кўтариб срни лахта-лахта қуюқ туманларга буркаб ташладилар.

Бироқ Бамбур йўлни топаверди. Чунки Наргизнинг мушки анбари димоғига урилиб турди.

Шунда қора кучлар наъра тортдилар:

— Ҳой Қуюн, қаердасан! Бу ёққа кел! Сен қаттолларнинг пешвосисан, дажжолларнинг дажжолисан. Чангалинг беомон, сен тирик жоннинг азалий душманисан. Қани ишни бошла, қирон келтир, яксон қил!

Қуюн ҳам билганини қилди.

Бамбур юрадиган йўллар ўпирилиб, уларда рахна ва ўпқонлар ҳосил бўлди, чанг-тўзон бурқираб бир қадамлик орага кўз ўтмай қолди. Фақат газандалар изгиб юрар, тошлар панасида эса ўлжа пайида чаёнлар писиб ётардилар, холос.

— Балли!— дейишди Қуюнга унга амрини ўтказгандар.— Ишбилармон экансан. Сен бор йўлларни емириб ташладинг, висолсиз севги — сувсиз гул деган гап. Унга фақатгина нола-афғонлар эм бўлади, кўз ёшлар эса таскин бермайди, жизғанак қиласди, жизғанак!

Наргизнинг қалб нидоси чорлаб Бамбур буруқсаб ётган гард-ғубор ичидан ҳам йўлни топаверди.

Ёвуzlар ғазаби дарёдек тошиб энди Бўроннинг ўзини ёрдамга чақирдилар:

— Энди сен иш бошла! Қудратингни ишга сол. Ваҳшатли номингни оқла. Қуюн висол йўлларини ер юзидан супуриб ташлади, лекин кор қилмади. Қани бир кўрсат — сен нималарга қодирсан!

Бўрон ўкириб, қутуриб ҳамлага ташланди-ю, дунё томи қулагандай, ер билан яксон этилгандай бўлди. Тоғлар тарс ёрилиб, қоялар карж-карж бўлиб қўзғала бошлади, сой ва булоқларни гирдоблар қаърига тортиб кетди. Еру кўк остин-устун бўлиб аросат ва зулмат ҳукмида қолди. Гуллар боғи тўрт томондан қирқиб ташланди ва бу чексиз парокандалик домида ёлғиз бир орол бўлиб қолди. Бу дафъа Бамбур биринчи марта минг уринса ҳам йўлни сира топа олмади. Қора кучлар муродига етдилар.

Унинг ўрнига эса Наргиз қошида қора булатлар ичидан чиқиб келган ёвуз кучлар корчалони, пахмоқ бошли рўдапо Бўрон зоҳир бўлди. Унинг аъзойи баданидан куйинди иси анқир, устидан тўзон, кўкун тўкилиб тўради

— Мана қўрдингми,— деди у жаҳаннам оловларини сочиб турган қўзларини қизга қадаб,— мен сени қанчалик яхши қўраман, Наргиз! У энди йўқ, қайтиб келмайди

келолмайди ҳам,— деди ҳатто Бамбур номини тилга ҳам олмай.— Ҳаммаёқ яксон бўлган. Фақат сенгина, сенинг бодинггина омон қолди. Энди рад этма қўлимни, Наргиз! Барибир фойдаси йўқ.

Наргиз зумрад япроқларини йиғиштириб олди-да, маъюс бош чайқаб деди:

— Бўрон, сен билан биз ҳеч қачон келиша олмаймиз! Ер билан осмон бирлашур, аммо эзгулик билан ёвузлик, уруш билан тинчлик — ҳеч қачон! Овора бўлма, дарёларни терс буриб, тоғларни қўпорганингда ҳам ниятингга етолмайсан! Гулни узиб ташлайсан, лекин эртами кечми унинг ўрнида бошқаси очилади! Очилаверади! Очилаверади! Бамбурнинг йўлларига ут қалайсан, у барибир келаверади! Тоғлар пайдо қиласан, йўлларимизни дарёлар билан тусарсан, барибир у ҳаммасини енгиб келаверади! Келаверади! Келаверади! Қудратинг бор, кўп нарсага қодирсан, лекин севишиганинг бир-биридан жудо қилишга ожизсан!

Наргизнинг охирги сўzlари Бўроннинг жон-жонидан ўтиб кетди — ўзига қўрс гапиришларига у одатланмаган эди. Наргизни қуршаб олган гуллар, дугоналари, қушлар, қумрилар, булбуллар, гиёҳлар маъқуллаб, ғув-ғувлаб, париллаб чапак чалардилар. Бўроннинг назаридаги уларнинг ҳаммаси: қай бирлари латиф бошчаларини силкитиб, қай бирлари яшил баргларини ҳурпайтириб, қай бирлари қанот қоқиб — ҳаммалари тумонат бўлиб, ёпирилиб унинг устига юра бошлагандай туюлиб кетди. Шунда Бўрон ҳаётнинг бу матонати ва жасорати олдида саросимага тушиб, довдираб қолди ва тислана бошлади. Унинг четчетда томоша қилиб турган шериклари ҳайрат ичидаги қотиб турардилар, не сабабдан тенги йўқ куч ожизлар қаршисида чекинаётганини улар идрок эта олмасдилар.

Наргиз эса гўзаллик ва эзгулик ҳақидаги гапини давом эттиргани кўйи Бўроннинг хунук важоҳатидан ҳайиқмасдан унинг талвасали башарасига тик қараб турар, мудҳиш дилини кабоб қиласади.

Бўрон ҳам орқасига қайтди.

Наргиз мана шу воқеаларни эслаб, нашъали хаёллар оғушида ўтирганда тошнинг нариёғидан япроқларини ёйиб, очилиб-сочилиб Лола қад кўтарди.

Алвон шоҳига ўралиб, тароватдан ял-ял ёниб, гарам тарам лаъли ёноқлари, ширин табассуми билан у нафосат ва малоҳатнинг, бўёқларнинг ўша бекиёс уйғунлигининг

тимсоли эди. Унинг теран шаҳло кўзлари порлаб турар, қалин пайваста қошлари қандирғоч парвозини зелатар, шамшод қомати ҳуснига ярашиқ эди. Ўуз оти билан, Лола, исми жисмига монанд: тонг шафағи ва қорли чўққилардан андоза олган кўйлаги ҳам, нимчаси ҳам, мўъжаз қалпоқчasi ҳам ол рангда. Фақат енгларининг уқалари, қулогидаги зираклари-ю, бўйнидаги маржонларигина ўт-ўланлар сингари кўм-кўк.

Гулларнинг ҳаммаси уни таъзим билан қарши оладилар. Бу эҳтиромдан Лола ўзининг расо ақли, бийрон тили, самимияти ва назокати билан дўстлари ва дугоналарининг чин ихлосига сазоворлиги сезилиб туради.

— Азиз дугонам, нега маъюс кўринасиз, нега хафасиз?— деб сўрайди у ўзига хос навозиш билан Наргиз елкасига қўл ташлаб.

— Ишқ азоби юрагимни тирнайди,— деб жавоб беради Наргиз.

— Фироқсиз севги бўлмайди,— хўрсишиб қўяди Лола,— ҳижроннинг ҳар они бир умрга тенг, ҳижрон азоби гур азобидир. Бироқ бу кунлар утиб ҳам кетади, мурод-мақсадингизга ҳам етасиз ҳали. Асло ғам чекманг. Ботир Бамбур келади. Эҳтимол у ҳам сизни излаб тоғу тошларни, чўлу биёбонларни кезиб юргандир.

Дилкаш дугонанинг мулойим гаплари Наргиз дардига малҳам бўлади, унинг умидига умид, ишончига ишонч қўшади.

Шу пайт шаббодадан селкиллаб, тўлқин уриб ётган кўкаламзор ичидан Атиргул чиқиб келади. Ён-веридаги барча дугоналари каби у ҳам баҳор билан яшнаб кетган, офтобруясига ғунчаларини ёзиб юборган, андоми пурвиқор ва махмур эди. Атиргул пойқадами билан гурунгга файз кириб, суҳбат янада дилкушо тус олади.

Гуллар ишқ-муҳаббат ҳақида кўйласалар, қушлар чу-фурлашиб садоқат ҳақида баҳс қилишади, қизғалдоқлар Наргизга тасалли берсалар, булбуллар чаҳ-чаҳлаб Бамбурни ёри қошига чорлайдилар. Хуллас, овозлар баралла янграйди, борган сари авж олади. Қуш тили, гул тили билимдонлари талқинида бу сеҳргар қўшиқ бундай жаранглайди:

Оlamda гуллар яшар,  
Боғларга жамол бўлиб,  
Гулзорларга ярашар  
Улар ҳусни хол бўлиб.

Лола гулларнинг шоҳи,  
Кийгани қирмиз шоҳи.  
Чамандаги атиргул  
Лола қизнинг ҳамроҳи.

Бұтакұзлар саф-сафдир,  
Саф-сафу бетарафдир!  
Арғувон гуллар эса,  
Гулистанга шарафдир.

Гуллар күп, чечаклар күп,  
Құшиқлар, әртаклар күп.  
Боиси шу, ҳар гулнинг  
Қалбіда тилаклар күп.

Аммо Наргиз әртаги,  
Унинг ишқи, тилаги  
Хүшбүй Гуллар бөгіннинг  
Әнг чиройли чечаги.

Келинглар, гүзәл гуллар,  
Келинг, ошиқ булбуллар.  
Шу севгини күйлайлик,  
Ором олсин күнгиллар!

Наргизнинг құшиғини  
Бамбур ногоҳ әшитсін.  
Маъшуқа ошиғини  
Топсін, муродға етсін!

## II

Табиатнинг барча гүзәллігини мужассам этган, әзгулик  
қарор топған фарофатли сұлым водийнинг оройиши бўлмиш  
Гуллар боғида севги ва ҳаёт шодиёнаси тантана қиласиди.  
Дилрабо куйларга гоҳ қизларнинг хуш овозлари, гоҳ  
шайдойи булбулларнинг гуллар рақсига эш наволари, гоҳ  
олис қирлар қучоғидаги чўпон найларининг нолон садолари  
жўр бўлади.

Бу фараҳли оҳанглар наҳрида гўёки еру осмон бирлашиб, еру осмон қовушиб шу бўстон кўркини, дўстлик

құдратини, Наргиз билан Бамбур севгисини тараннум этаётгандай. Зеро замину замонда севги бунёдкорлик ва яратувчилик омили бұлиб келгани бутун тириклик ақлига маълумдир.

Севгидан бенасиблар — ҳидсиз гулдирлар.

Севгидан бенасиблар — мевасиз дарахтдирлар.

Бироқ дүстлар Наргизга парвона бұлаётган, үйин-кулғи айни қизиб шоду хуррамлик туғсын қилаётган бир пайтда осмонни яна қоп-қора булатлар галаси босиб, водийга зым-зиё пардасини ёпади. Үсимлик ва жониворлар оламнинг офати — қуюн қорли изгириң ара-лаш келади-ю, қийғос очилған гулларга тиканакларини санчади, панжалари билан чанг солади, шифил-шиғыл япроқ ва ғұнчаларни мутаб, янчиб, зақарлы хокига бостириб ташлайди. У ажал нафасини уғуриб кенг ва гүзәл водийни бир нафасда хокитуроб этиб шиддат билан ўтиб кетади.

Бу күч-құвватини тиклаб, жамлаб қайтиб келған Бүрон-нинг қилмиши эди.

Яхшилик — муруватли, ёмонлик — бадкирдордир.

Бүрон жон аччигида үкиради, айюғаннос солади, шиғаб, замлаб, қоялардан чақын устига чақын чиқаради, ҳаммаёқни гүмбурлатади, осмонни узиб ерга ураман дейди.

Гұдак кафтидек мұрғак япроқлари нурға йүғрилған навниҳоллар аёзда изиллаб, титроқ босиб, бир-бирини сұяб турадилар. Мұртгина буталардаги гуллар-чи, уларнинг иложи қанча? Қүёш ва шаффоғ сувларнинг, инсон тийнати ва меҳру оқибатининг фарзандлари бұлмиш улар бошпанға ва зарра ҳарорат илинжида ер пинжига биқина-дилар, үнгирлар ва тошлар панағига, рахналарға яшириниб оладилар.

Наргиз бошлиқ гүзәллар шу тариқа ғойиб бұладилар.

Боягина барадла айтилған құшиқлари энди аянчли охға айланған құшлар тешик-тешикларға писиб кетадилар. Жами мавжуд нарсалар ўз инъексиға, ўз жуфтиға моликдирки, мұттасил зиддий курашларда улар үрін алмашиб турадилар: ост билан уст, зулмат билан зиё, саратон билан қаҳратон. Севинчлар айёми эди, мана энди күз ёшлар палласи.

Осоиышта табиатни тор-мор этган, харобазорға айлан-тирган Бүрон эса ҳадеганда тинай демайди. Шакли шамойили бетайин бу хурпак дүзахи минг-минглаб қонли